

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАҲАЛЛАДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТўҒрИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2. Куйидагилар ҳоким ёрдамчиларининг **асосий вазнфалари ва фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:
маҳалладаги иқтимоий-иқтисодий ҳолатни **хонадонбай** ўрганиш, жумладан, аҳолининг бандлик даражасини, оилаларнинг даромад манбаларини, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган иштилиши ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш;
маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришнинг ички имкониятлари, тадбиркорлик бўйича иқтисослашув ва меҳнат ресурсларини инобатга олган ҳолда, уни ривожлантиришга туртки берадиган омиллар ва йўналишлари белгилаш, уларни ишга солиш орқали **маҳалланинг иқтисодий ривожланиши**ни таъминлаш;

домий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқишларини ўрганиш орқали уларни **касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтириш** ҳамда ўқишни تامомлаган битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга ёрдам бериш;
маҳалладаги мавжуд бўш иш ўринларини ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумий ишларига бўлган талабни аниқлаш орқали ишсизларни, биринчи навбатда, **“темир дафтар”, “аёллар дафтари”** ва **“ёшлар дафтари”**га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни бўш (вакант) **иш ўринларига жойлаштириш** ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

маҳаллада истикомат қилувчи аҳолининг оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш, жумладан, уларнинг хўнармандчилик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятни йўлга қўйиш учун **оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар олишда** кўмаклашиш;

маҳалланинг иқтисослашувидан келиб чиқиб, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истигани билдирган **етақик тадбиркорларга имтиёзли кредитларни ажратиши**ни ташкил этиш, уларга тадбиркорлик билан мустакил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун уларга бириктириш;

аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш, **уй шароитида дехқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қўёнчилик, асаларичилик, урунчилик, кўчатчилик, гулчилик** каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашиш;

маҳалладаги иш билан банд бўлмаган аҳолининг тадбиркорлик ва домий даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишини йўлга қўйиш максасида уларга иссиқхона қуриш, томорқасини сугориши учун вертикаль сув бўлиш қудуқларини бурнилаш, қишлоқ ҳўжалиги кооперативига аъзо бўлиш, асқоб-ўсқуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш, бино ва иншоотнинг ижара тўлови ҳамда касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиш учун **субсидиялар олишда кўмаклашиш**;

маҳалладаги **бўш бино ва ер майдонларини** аниқлаб, уларни белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига ажратиш бўйича тегишли ташкилотларга тақрифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАҲАЛЛАДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТўҒрИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

1. Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш бўйича **ресублика комиссияси** (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ташкил этилсин, унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (Кўчқоров) **бир ҳафта мuddатда** ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш максасида иқтисодиёт ва инвестиция комплекслариغا кирувчи вазирилик, идоралар, тижорат банкларининг масъул ходимларини (кейинги ўринларда — **ресублика вакиллари**) ҳар бир туман ва шаҳарга бириктирсин, уларнинг иш жойи, ойлик иш ҳақи ва бошқа иқтимоий тўловларини сақлаб қолган ҳолда, бириктирилган ҳудудга бир йиллик хизмат сафарига юборилишини таъминласин.

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари ҳамда маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари (кейинги ўринларда — марказлар) Республика комиссияси ва республика вакилларининг **ишичи органлари** этиб белгилансин.

3. Белгилансинки:

а) **Республика комиссияси** аъзолари: шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги маҳаллаларда (кейинги ўринларда — маҳаллалар) тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ишларни тизимли ташкил этади;

ўзи бириктирилган ҳудуддаги республика вакиллари фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади, **мақсатли кўрсаткичларга эришилиши учун** масъул ва жавобгар бўлади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан бирга ўзи бириктирилган ҳудудга ажратилган маблағларнинг туман ва шаҳарлар кесимида тақсимланишини таъминлайди;

б) **республика вакиллари**:

туман (шаҳар) ҳокимининг биринчи ўринбосари билан бирга марказлар ҳамда ҳоким ёрдамчилари фаолиятига кўмаклашади;
ҳар қуни битта маҳаллага чиққан ҳолда қамидга ўнла хонадонга шахсан ташриф буюриб, мавжуд хоплатни ҳоким ёрдамчилари билан бирга ўрганади, аҳолига амалга оширилаётган давлат сиёсати ва ислохотларнинг мазмун–моҳиятини тушунтиради, аниқланган муаммоларни жойида ҳал қилиш чораларини кўради;

ҳоким ёрдамчилари, ҳудудларни иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир маҳаллани иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларини белгилайди, хонадонбай рўйхат асосида ҳар бир маҳалла кесимида ҳаққий иқтимоий вазиятни аниқлайди ҳамда **ойма-ой амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини** ишлаб чиқади;

ҳар бир маҳалланинг **“ўсиш нуқтаси”**дан келиб чиқиб, етақик тадбиркорлар ва ҳоким ёрдамчилари тақлиф этаётган янги лойиқаларни амалга оширишга кўмаклашадди, маҳаллаларда аҳолининг қундалиқ эҳтиёжлари учун зарур бўлган **хизматлар турларини ривожлантиради**;


аҳолини, биринчи навбатда шисиз ёшлар ва аёлларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқатиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш ишларини ташкил қилади;

туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда туман фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиб, **уй шароитида дехқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қўёнчилик, асаларичилик, урунчилик, кўчатчилик, гулчилик** каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашади;

туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда ҳудудга ажратилган маблағларнинг маҳаллалар кесимида тақсимланишини таъминлайди;
в) **ҳоким ёрдамчилари**: маҳалладаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш, уларга домий даромад манбаини яратишга кўмаклашиш учун устувор равишда маҳалладаги муваффақиятга эришган тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда фаолиятини олиб боради;

республика вакиллари билан биргаликда ўзига бириктирилган маҳаллани ривожлантириш бўйича **2022 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси”**ни ишлаб чиқади ва ижросини таъминлайди;
ажратилаётган ресурслардан самарали фойдаланиш юзасидан домий мониторингнинг амалга оширади;
амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан биргаликда домий равишда ҳокимга ҳисобот бериб боради.

4. Республика комиссияси аъзолари ва республика вакилларига маҳаллий бюджет даромадларининг орттириб бажарилган қисмидан



тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг (муҳандислик-коммуникация тизимларига уланиш ва улардан фойдаланиш, турли хил фаолиятни йўлга қўйиш учун рухсатномалар ва лицензиялар олиш, бўш бино ва ер майдонларини тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ажратиш ва бошқалар) тегишли ташкилотлар томонидан ҳал этилишини ташкил этиш.

Барча вазирилик ва идораларнинг **биринчи раҳбарлари** ҳоким ёрдамчиларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда ҳар томонлама кўмак бериш учун **шаҳсан масъул ва жавобгар** ҳисобланади.

3. Куйидагилар:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш қотибияти негизида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги ҳузуридаги **Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги** (кейинги ўринларда — Агентлик);

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ваколатли офислари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари негизида **Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари**;

туманлар ва шаҳарлардаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари негизида туман (шаҳар) ҳокимликлари тарҳида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари** (кейинги ўринларда — Марказлар) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Агентликка Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан овоз этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Агентлик ҳузурида бир йил мuddатда домий фаолият юритадиган **“Маҳаллабай ишлаш штаби”** ташкил этилади;

Марказий банк, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирилиги, Молия вазирилиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси раҳбарларининг тегишли ўринбосарлари бир йил мuddатга бошқа барча вазифаларни бажаришдан овоз этилган ҳолда “Маҳаллабай ишлаш штаби”га хизмат сафарига юборилади.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклида

очиладиган **Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** ташкил этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини бошқариш вазифаси юклансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги, Молия вазирилиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирилиги, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари, иқтисодий ва инвестиция комплекслариغا кирувчи бошқа идоралар, улрининг ҳудудий бўлималарида **бўлим** (шўьба) **бошлигидан** паст бўлмаган лавозимда ишловчи **раҳбар ходимлар**, шунингдек, маҳаллий ҳокимликларнинг раҳбар ходимлари тайинланади;

ҳоким ёрдамчиси лавозимига номзодлар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бошчилигидаги танлов комиссиялари орқали **очиқ танловлар асосида** ишга қабул қилинади;

номзодларнинг иштилуванлиги, мақсадга йўналганили, қобилияти, тажрибаси каби ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда **тадбиркорлар, бошқа соҳа вакиллари, фаол ёшлар, раҳбарлик лавозимида фаолият юритаётган ходимлар ва олий маълумотга эга бўлмаган фуқаролар** ҳам ишга қабул қилиниши мумкин.

6. Вазириклар, идоралар, тижорат банклари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларига ҳоким ёрдамчилари лавозимига тайинланган **ходимларнинг аввалги иш жойидagi лавозимини** икки йилгача **muddатга сақлаб қолиш**, мазкур даврда ушбу лавозимга бошқа шахсларни muddатли меҳнат шартномаси асосида вақтинча ишга қабул қилиш тасвия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳоким ёрдамчиларини:
иш фаолияти натижаларига кўра **Миллий кадрлар заҳирасига** киритсин;

икки йиллик меҳнат фаолияти натижаларига кўра лавозимини ошириш юзасидан вазирилик ва идоралар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақлиф киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг тақлифларига асосан ҳоким ёрдамчиларини танловсиз тўридан-тўри юқори лавозимларга ўтказишга рўхсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирилигининг:

“Янги Ўзбекистон ислохотчиси” кўкрак нишонини таъсис этиш;

ҳоким ёрдамчиси лавозимига тайинланган ҳамда улар фаолиятини

маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш бўйича тақлифлар маҳаллий вакиллик органларига киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ҳоким ёрдамчилари ўз вазифаларини амалга оширишда фойдаланадиган **мулиявий инструментларнинг 2022 йил учун мабдалари** этиб куйидагилар белгилансин:

а) оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратиладиган кредитлар — **10 триллион сўм**;

б) аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларнинг ўзини ўзи банд қилиши, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун ажратиладиган маблағлар — **1 218 миллиард сўм**, шундан:

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан иш билан банд бўлмаган аҳолига тадбиркорлик қилиш ва ўзини ўзи банд қилиш учун субсидиялар, кредит ресурслари ва бошқа харажатлар учун — **785 миллиард сўм**, иш билан банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга, тадбиркорлик ва хўнармандчиликка ўқишга йўналтириш учун — **210 миллиард сўм**;

Жамоат ишлари жамғармасидан ишсиз аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш харажатлари учун — **222 миллиард сўм**;

в) Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган субсидиялар — **50 миллиард сўм**;

г) ҳоким ёрдамчиларни тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун кўзда тутилладиган маблағлар — **250 миллиард сўм**;

д) **“Саховат ва кўмак”** жамғармаси, **“Аёллар дафтари”** жамғармаси, **“Ёшлар дафтари”** жамғармаси — **851 миллиард сўм** миждорида.

Мазкур банднинг “б”–“д” кичик бандларида кўрсатиб ўтилган маблағларнинг **республика ҳудудлари кесимидаги** тақсимоти **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги, Молия вазирилиги, Марказий банк, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги билан келишган ҳолда **бир ой muddатда** мазкур қарорга **2-иловада** кўрсатилган маблағларни **туман (шаҳар) ва ҳар бир маҳалла кесимида** маҳалланинг иқтимоий-иқтисодий ҳолати ва хонадонлар сонидан келиб чиқиб тақсимласин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратишга масъул тижорат банклари, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, маҳаллий оййма ҳокимияти органлари мазкур бандда кўрсатилган маблағларнинг ойма-ой зулукиси молиялаштириб борилишини таъминласин.

7. Белгилансинки:

мазкур қарорнинг **3-иловаси**да кўрсатилган, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги кредитлар, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилигининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Жамоат ишлари жамғармаси, Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, “Аёллар дафтари” жамғармаси, “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ўзини ўзи банд қилиш ва иш билан таъминлаш учун ажратиладиган субсидиялар **ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида** ажратилади;

ҳоким ёрдамчилари юқоридagi йўналишлар бўйича кредитлар ва субсидиялар ажратиш кўзда тутилган ҳар бир лойиҳанинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини чуқур ўрганган ҳолда уларни **ажратиш учун масъул идора ва ташкилотларга** ўз тавсиясини беради.

8. Ҳоким ёрдамчиларининг ойлик иш ҳақи микдори улар бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда куйидагича белгилансин:
хонадонлар сони **500** тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам микдорининг **6 баравари** миждорида;
хонадонлар сони **501** тадан **1 000** тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам микдорининг **6,5 баравари** миждорида;

хонадонлар сони **1 000** тадан ортқк бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам микдорининг **7 баравари** миждорида.

9. Белгилансинки:

ҳоким ёрдамчиларига тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи микдори номзоднинг ушбу лавозимга ишга қабул қилинунга қадар **аввалги иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи** микдоридан кам бўлган тақдирда етишмаган қисми Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан компенсация қилиб борилади;

марказлар ходимларига туман (шаҳар) иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари ходимлари учун белгиланган

самарали ташкил этишга жалб қилинган шахсларни ушбу кўкрак нишонни билан тақдирлаш амалиётини жорий этиш тўғрисидаги тақлифларни маъқуллансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой muddатда** “Янги Ўзбекистон ислохотчиси” кўкрак нишони тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирилиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги билан биргаликда жойларда **“инсон кадри учун” шиори билан амалга оширилаётган ислохотларда** ўзининг фаол иштироки, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича ташаббуслари билан бошқаларга ўрناк бўлаётган маҳаллалар ва ҳоким ёрдамчиларини рағбатлантириб бориш мақсасида **“Энг намунали маҳалла”** ва **“Фаол ҳоким ёрдамчиси”** каби кўрик-танловларнинг мунтазам ўтказиб борилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташкилий тузилмасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тасвия этилсин.

11. Бош вазир ўринбосари Ж.А.Кўчқоров, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М.Холҳўжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари мазкур Фармон асосида жорий этилаётган тизимнинг самарали ташкил этилишини, иш фаолиятида аниқланадиган муаммоларнинг жойида ҳал қилишини таъминласин.

12. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги: **бир ҳафта** muddатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини;

икки ой muddатда Адлия вазирилиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонunchилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Нозимиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2021 йил 3 декабрь	



агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини;

ҳоким ёрдамчилари ва марказларнинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилаш бўйича намунавий низомни тасдиқласин.

МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР МАМЛАКАТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз тараққиёти ва фуқароларнинг ҳаёт тарзини яхшилашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Қандай шахсларга нисбатан жазони енгиллаштириш татбиқ қилинмайди?

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2021 йил 6 июлдаги тегишли Фармони билан 6-банди ҳамда мазкур ҳужжат билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг 31-банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур ҳужжат билан Жиноят кодексининг саккизинчи бўлими “коррупцияга оид жиноятлар” деган янги атама билан тўлдирилмоқда. Коррупцияга оид жиноятлар учун айбдор шахсга нисбатан жазо чораларини янада кучайтириш мақсадида Жиноят кодексининг 167 ва 168-моддаларида кўрсатилган жиноятлар мансаб мавқеини суистеъмол қилиш ёки ҳизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилса, ушбу моддаларнинг оғирроқ қисмига ўтказилиб, мазкур қилмишлар учун 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмоқда.

Шунингдек, коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлигини муқаррарлигини таъминлаш, бундай жиноятларни содир этган шахсларга енгиллаштирувчи нормаларни қўллашни чеклаш мақсадида қатор нормаларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, Жиноят кодексининг 73 ва 74-моддаларида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун ҳукм қилинган, бироқ жиноят оқибатида етказилган зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга ҳамда порахўрлик билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш татбиқ қилинмаслиги белгиланмоқда.

Мажлисида депутатлар томонидан кўтарилган саволларга атрофиялик жавоблар олинди, мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Органик маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда

Бугунги кунда мамлакатимизда органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасидаги масалаларни тартибга солиш нормалар тарқоқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилангани ҳамда яхлит қонун ҳужжатининг мавжуд эмаслиги соҳани ривожлантиришда турли қийинчиликлар туғдирмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таъминлашга қаратилган устувор йўналишлар қаторида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодий ривожлантиришда муҳим бўлган “органик” қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият берилган.

Йиғилишда кўриб чиқилган “Органик маҳсулотлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси мамлакатимизда органик маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Этиборлиси, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнда қўшимча қиймат яратиш орқали мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси учинчи ўқишда ҳам қабул қилинди.

Солиқ имтиёзлари кимларга берилади?

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 378-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, ушбу ҳужжат билан олий ва профессионал таълим муассасаларида ўқиш учун тижорат банкларидан олинган таълим кредитларини қоплашга йўналтирилган жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларига солиқ имтиёзларини қўллаш белгиланмоқда.

Шунингдек, ёш оила томонидан олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни эр-хотин ёки улардан бирининг ёши белгиланган ёшдан ошгунча қадар ҳар бир солиқ давомида тегишли миқдорда қоплашга йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғидан озод қилиниши назарда тутилган.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Мулк ва шахсни кўриқлайдиган ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси кучайтирилади

Мажлисида депутатлар “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда кўриқлаш фаолияти давлат органларининг “кўриқлаш бўлинулари”, идоровий ҳарбийлаштирилган “соқчилик бўлинулари” ва идоровий “қоровуллик бўлинулари” томонидан қонуности ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, юридик шахслар (ташкilotларга) ўз мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташкилий-штар тузилмасида “идоровий ҳарбийлаштирилган соқчилик” ёки “идоровий қоровуллик” бўлинулари ташкил қилиш йўли билан кўриқлашни амалга ошириши қонунчилик ҳужжатларида белгиланган.

Мазкур ҳужжатда кўриқлаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, кўриқлаш фаолияти турлари, уни амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш, кўриқлаш фаолиятини амалга оширишнинг ягона тартибини жорий этиш каби концептуал ғоялар муҳассамлаштирилган.

Қонун лойиҳаси қабул қилиниши билан кўриқлаш фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва субъектларнинг ҳуқуқий максими белгиланади, объект, мулк ва шахсни кўриқлайдиган ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси янада кучайтирилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари билан боғлиқ қандай чекловлар ўрнатилди?

“Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур ҳужжат билан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамаки ҳамда никотин истеъмол қилиш учун мосламаларни реализация қилишга доир чекловлар кенгайтирилмоқда. Жумладан, бундай маҳсулот ва мосламаларни йиғирма бир ёшга тўлмаган шахсларга ва йиғирма бир ёшга тўлмаган шахслар томонидан, савдо автоматлари орқали, электрон тижорат шаклида, сайёр ва тарқатма (кўлда, лотокларда, саватчаларда, кўл аравачаларида) савдо йўли билан, масофавий сотиш усулида, тургун савдо объектларидан ташқарида, дорихоналарда, болалар учун товарларни реализация қилишга мўлжалланган хоналарда, болалар ўйинчоқлари, конфетлар ёки болалар учун мўлжалланган бошқа товарларга ўхшатиб ишланган бўлса, истеъмол ўрвида йиғирма дондан кам сигарета бўлса, реализация қилишни тақиқлаш кўзда тутилмоқда.

Мажлисида таъкидланганидек, ўтган вақт мобайнида қонун лойиҳаси қўмита томонидан ўтказилган семинар ва давра суҳбатларида илгари сурилган таклифлар, депутатлар берган тавсиялар асосида маромига етказилди.

Қонунчилик техникасида келиб чиққан ҳолда лойиҳанинг баъзи бир моддалари ўзаро мувофиқлаштирилиб, таркибий жиҳатдан тузатишлар киритилди.

Лойиҳада алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш мумкин бўлмаган жамоат жойларининг аниқ рўйхати кўрсатилиб, чеклиш учун ажратилган маҳсус жойларга минимал талаблар белгиланмоқда. Ўз навбатида, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мажбуриятлари қонун лойиҳасида ўз аксини топыпти. Хусусан, ноқонуний айланнинг олдини олиш учун импорт қилувчи ва ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулотларни рақамли маркировкалаш, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва айланмасини ҳисобга олиш ахборот тизимларининг татбиқ этилиши кўзда тутилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси халқ вакиллари томонидан қизгин муҳокама этилди ва баҳсли бўлган айрим моддаларга таклифлар берилди. Биддирилган таклифларнинг инобатга олган ҳолда, лойиҳани янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига оид қонунчилик такомиллаштирилмоқда

Халқ вакиллари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқ асосида ишлаб чиқилган —



“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши амалдаги қонун ҳужжатларини “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштиришга, ногиронлиги бўлган шахсларни камситишнинг ҳар қандай шаклига йўл қўймасликка эришилади.

Қонун лойиҳаси 38 та моддадан иборат. У билан амалдаги 28 та қонун ва 7 та кодексга тегишли ўзгаришлар киритилган. Жумладан, “ногиронлар” сўзи “ногиронлиги бўлган шахслар” деган сўзлар билан, “тиббий-меҳнат эксперт комиссияси” сўзлари “тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси” деган сўзлар билан алмаштирилмоқда ҳамда тегишли ўзгаришлар киритилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Муҳокама марказида — «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси

“Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасида давлат мулкига эгаллик қилиниши асослаш принциплари, давлат мулкни бошқариш соҳасида ваколатли давлат органи сифатида Давлат активларини бошқариш агентлигини белгилаш ва унинг асосий ваколатларидан бири сифатида давлат мулкни бошқариш бўйича ягона давлат сиёсатини юритиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасидаги нормалар билан Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳар йили 1 августга қадар давлат иштирокидаги корхоналарнинг ўтган йилги фаолияти натижалари тўғрисидаги йиғма ҳисоботни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, Ўзбекистон Республикаси Президентига, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши ва веб-сайтида эълон қилиши белгиланмоқда.

Давлат мулкни сақлаш ва яхлитлигини таъминлаш бўйича ҳаражатларни молиялаштириш билан боғлиқ маълумотлар барча учун очиқ бўлиши ва давлат органлари, Агентлик, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат иштирокидаги корхоналар расмий веб-сайтида эълон қилиниши тақдир этилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат мулкни бошқариш соҳасида масъул бўлган идораларни белгилашга, давлатнинг иқтисодийдаги иштирокини камайтиришга, давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Цемент нархи арзонлашадими?

“Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизгин кечди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг бир қатор моддаларига қўшимча киритиш таклиф қилинмоқда.

Хусусан, кодекснинг 337 ва 452-моддаларига 2021 йил 1 октябрдан бошлаб цемент (клинкер) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи корхоналарга белгиланган 20 фоизлик фойда солиғи ставкасини 15 фоизга пасайтириш, 2022 йил 1 январдан бошлаб эса цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган 1 тонна охактош учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини икки бараварга камайтириш таклиф қилинмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда қурилиш материаллари истеъмолчилари бўлган аҳолининг даромадлари ошишига хизмат қилади.

Қизгин муҳокамадан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Давлат бюджет тизимини кўриб чиқиш тартиби янгиланапти

Мажлисида, шунингдек, халқ вакиллари “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимини кўриб чиқиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Бюджет кодексига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Таъкидланганидек, Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетларга ўзгариш киритиш Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Маҳаллий бюджетлар Ҳисоб палатаси томонидан ташқи аудитдан ўтказилиб, ҳар йили 1 мартга тегишли хулосани маҳаллий ҳокимликларга тақдим этиш тартибини жорий этиш таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитаси солиқ ва божхона имтиёзлари рўйхатини, тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни солиқ тўловчилар қесимида ўз расмий веб-сайтида белгиланган муддатларда зулуксиз жойлаштириб бориш назарда тутилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан тегишли бюджетларда шаклланган қўшимча маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги қарори (фармойиши) қабул қилинганидан сўнг уч иш кунли ичида ўзларининг расмий веб-сайтида ҳамда “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштириш мажбуриятлари белгиланмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари қанча миқдорда белгиланмоқда?

“Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Таклиф этилаётган лойиҳада фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегирмаларга киритилмаган амортизация ажратмалари нормаларини ўртача 2 бараварга ошириш, бир марталик инвестициявий чегирма миқдорларини, бинолар бўйича — 10 фоиз, янги технологик асбоб-ускуна бўйича — 20 фоиз белгиланган ҳолда 2 бараварга ошириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, кўчмас мулк жойлашган жойидан келиб чиқиб бир квадрат метр учун минимал қиймат жорий этиш билан бирга, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкаларини пасайтириш, полизтилен грануларига акциз солиғи ставкасини 20 дан 10 фоизгача пасайтирган ҳолда, ушбу ставкани унинг импортига ҳам жорий этиш белгиланяпти.

Ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун эса солиқ ва акциз солиғи ставкаларини ўртача 10 фоизга индексация қилиш назарда тутилган. Бунда қишлоқ ҳўжалиги ерларини сўғориш учун фойдаланилган сув ҳажми қисми ва балиқларни ўстириш (етиштириш), жумладан, деҳқон ҳўжаликлари учун белгиланган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2021 йил даражасида (1 куб метр учун 40 сўм) саклаб қолинмоқда.

Шу билан бирга, лойиҳада солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектлар ҳисобини ташкил этиш, хусусан, солиқ имтиёзлари ҳисоби бўйича ягона автоматлаштирилган тизимни яратиш, солиқ тўловчининг ҳисоб маълумотларидаги ўзгаришларини шахсий кабинет орқали тасдиқлаш масаласи ҳам акс этган.

Мажлисида депутатлар томонидан лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар инобатга олинган ҳолда, қонун лойиҳаси қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

ИПОТЕКА БОЗОРИДАГИ ТАКЛИФ ТАЛАБГА НИСБАТАН НЕГА КАМЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА?

Президентимиз халқимизнинг уй-жойга бўлган жуда катта эҳтиёжини, жойларда юзага келаётган аксарият муаммолар ушбу масала билан боғликлигини деярли ҳар бир чиқишида таъкидлайди. Ушбу жиҳатлар ҳисобга олиниб, шаҳар ва қишлоқларда одамларнинг тўлов имконияти етарли даражада арзон, имтиёзли кредит асосида бериладиган уй-жойлар қуриш кўлами кенгайиб бормоқда. Бу ишлар ўз самарасини бериб, қисқа вақтда минглаб юртдошларимиз ҳаётида туб ўзгаришлар бўлганини ҳам барчамиз кўриб турибмиз. Бу эса юртимизда “Инсон қадрини унун” тамойили рўёбга чиқаётганига аниқ-тиниқ далил бўла олади.



Бу ютуқлардан кўз юммага ҳолда ипотека бозоридаги таклиф талабга нисбатан жуда камлигини ҳам айтиб ўтишни жоиз, деб ҳисоблайман. Масалан, аҳоли кўп талаб қилаётган уй-жойлар ушбу этарли эмас. Чунки шинам, чиройли ва нархи ҳам шунга яраша анча баян бўлган уйлари сотиб олишга ҳамнинг ҳам қурби етавермайди-да.

Шу йилнинг 2 декабрь кунини Президентимиз раислигида қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида айнан ҳўқорда тилга олинган муаммоларга ҳам ечим изланди.

Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунда ипотека дастурлари доирасида йилгига 35 минг хонадонли уй-жойлар қурилмоқда. Аммо жойи ёки нархи аҳолига маълум бўлмагани учун ҳам 255 миллиард сўмлик 950 та хонадон сотилмасдан турибди. Айрим вилоятларда ер участкалари ўз вақтида аукционга чиқарилмагани сабабли уй-жойлар қурилиши кечиккан. Оқибатда давлатдан мақсадли кредитлар учун ажратилган маблағ ўзлаштирилмаган. Кўп вилоят ҳокимлари ва уларнинг қурилиш бўйича ўринбосарлари пудратчи танлашда 2-3 та ташкилот билан чекланаётгани қурилиш сифатига путур етказмоқда.

Видеоселекторда бу борадаги қоратдирилган муҳокама қилиниб, бугунги кунгача ипотека кредити ва субсидия олишда уй-жой майдони ва нархи билан боғлиқ чекловлар олиб ташланиши айтиб ўтилди. Сотиб олинмаган хонадоннинг майдони ва нархидан қатъи назар, эҳтиёмжанд аҳолига дастлабки бадалнинг бир қисmini қоплаш учун 32 миллион сўм субсидия тўлашни, шунингдек, эҳтиёмжанд аҳоли учун давлат томонидан қоплаб бериладиган субсидия миқдори барча худудлар учун бир хил — 10 фоиз этиб белгиланиши, субсидиялар яқна тартибдаги уй-жой қуриш ва таъмирлаш учун олинган кредитлар учун ҳам таътиб қилиниши қайд этилди.

Бундан ташқари, келгуси йилдан ижтимоий аҳоли оғир хотин-қизлар, чин етимлар ва ногиронлиги бўлганларга иккиламча бозордан уй олишга ҳам имконият яратилади. Давлатимиз раҳбари одамларга осон бўлиши учун янги уйлар тўғрисидаги маълумотлар, уларни расмийлаштириш, субсидия ва кредит ажратиш хизматларини бир жойда ташкил этиш бўйича кўрсатма берди.

Албатта, Президентимиз томонидан аҳолини уй-жой билан таъминлашда уларнинг имкониятлари ҳисобга олинаётгани кўпгаб юртдошларимизни қувонтириши табиий. Сабаби ўз уйи, ўлан тўшаги бор инсоннинг юрт эртаси ҳамда истиқболга ишончи юксак бўлади. Бу ишончинг бардавомлиги учун биз, депутатлар ҳам халқ вакили сифатида уларга камарбаста бўлишимиз лозим.

Ҳазраткул ҲўЖАМҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 28 151 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефони орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-0788

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚўЗАМЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 23.15 Топширилди — 00.50

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Қаримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Маираббев.

1 2 3 4 5 6